
Марғилон шаҳридаги "Ёрқин" маҳалла фуқаролар йиғинида Ёшлар форуми ўтказилди

Марғилон шаҳридаги "Ёрқин" маҳалла фуқаролар йиғинида Ҳоким ёрдамчиси ва Ёшлар етакчиси ташаббуси билан ёшларни фаоллик ва ташаббускорликка чорловчи яна бир маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда шаҳардаги сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир дастури доирасида янгилаш ва ёшариш фасли - баҳор айёмининг тотли таомлари билан безатилган миллий таомлар кўرғазмаси, сумалак ва варраклар сайли, маҳалладаги уюлмаган ёшлар ўртасида арқон тортиш, тош кўтариш, стол тениси сингари спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбир давомида шаҳар Маданият уйининг соҳирнафас санъаткорлари томонидан ижро этилган дилтортар куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Танловлар ғолиблари яқунда шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан муносиб тақдирланди.

2022-03-11 17:19:34